

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****26 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи  
ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш,  
шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида» 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ–1645-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 25 январь,  
ПФ–4416-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 25 январдаги  
ПФ–4416-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи  
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 4 апрелдаги ПФ–3592-сон Фармонида:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

1-банднинг еттинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин;

3-илова 7-бандининг еттинчи хатбошидаги ва 8-бандининг ўн учинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармонининг 7-бандидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ–4059-сон Фармони 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 1 июндаги ПҚ–363-сон қарори 7-бандидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПҚ–425-сон қарори 6-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик соҳасининг иқтисодий ночор корхоналарини сотиб олган ёки ишончли бошқарувга қабул қилган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 сентябрдаги ПҚ–474-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом 23-бандининг учинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ–842-сон қарори 8-бандининг иккинчи ва бешинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ХХР Эксимбанки иштирокида «Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 2 майдаги ПҚ–855-сон қарори 7-бандидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корея Республикаси Ҳукуматининг Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш фонди (EDCF) имтиёзли кредити маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 31 июлдаги ПҚ–934-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорида:

9-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин;

29-илованинг 5-бандидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 3 августдаги ПҚ–1167-сон қарори 8-бандидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 10 августдаги ПҚ–1172-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўмон Султонлиги билан инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 сентябрдаги ПҚ–1197-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 октябрдаги ПҚ–1215-сон қарорининг 10-бандидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 октябрдаги ПҚ–1216-сон қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ИЭМ» ОАЖда когенерацион газ турбинаси технологиясини жорий этиш лойиҳасини амалга

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 4 февралдаги ПҚ-1277-сон қарори 6-бандининг еттинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Минтақалараро Дамхўжа сув қувурига Навоий ва Бухоро вилоятларининг туман марказларини улаган ҳолда уни модернизация қилиш. Термиз шаҳрининг канализация тизимини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 16 апрелдаги ПҚ-1324-сон қарори 11-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳасини кўп траншли молиялаштириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 3 майдаги ПҚ-1331-сон қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сон қарориди:

а) сарлавҳадаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, диагностика ва даволаш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббий аппаратлар, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлашни ҳамда доимий равишда тизимли қайта жиҳозлашни молиялаштириш»;

в) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағларидан, айниқса, таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, шунингдек лаборатория, диагностика, даволаш ускуналари ҳамда бошқа тиббий аппаратлар, махсус мебель ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб ва оқилona фойдаланиш устидан тизимли асосда доимий мониторинг олиб борсин».

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки иштирокида «М39 Тошкент — Термиз автомобиль йўлини реконструкция

қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 12 ноябрдаги ПҚ–1433-сон қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш — II фаза» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 12 ноябрдаги ПҚ–1434-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Тошкент шаҳрининг канализация тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 16 декабрдаги ПҚ–1443-сон қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоро вилоятидаги «Қорақўл» насос станциясини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси Хукуматининг бегараз ёрдамидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 июлдаги ПҚ–1568-сон қарори 6-бандининг учинчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Толимаржон ИЭСда очиқ тақсимлаш қурилмаси 500 кВ бўлган Толимаржон ИЭС — «Сўғдиёна» ПС оралиғидаги 500 кВ ЮВЛ қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1609-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси билан молиявий ҳамкорликда «Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш (Саломатлик — 3)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 7 сентябрдаги ПҚ–1614-сон қарори 10-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 йилда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 22 сентябрдаги ПҚ–1620-сон қарорида:

а) 1-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «Таълим муассасалари» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2, 3 ва 3а-иловаларнинг сарлавҳасидаги «Таълим» сўзидан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Буюк Британиянинг Кембриж университети иштирокида Юқори технологиялар

марказини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 26 октябрдаги ПҚ–1631-сон қарори 11-бандининг иккинчи хатбошидаги «Таълим» сўздан кейин «ва тиббиёт» сўзлари қўшиб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 25 январдаги  
ПФ–4416-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ–1432-сон қарорининг 4 ва 5-бандлари, шунингдек қарорга 1 ва 2-иловалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 йилда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 22 сентябрдаги ПҚ–1620-сон қарорининг 1-иловаси.